

Ота масъулияти



09:00 / 04.07.2023 1818

Тирик эканман, бир куни Аллоҳ раҳмат қилгур отамдан олган дарсимни ҳеч унутмайман. Ўша куни нотўғри иш қилиб қўйган эдим. Ўртоқларим билан ўйинга берилиб, отам билан бир муҳим учрашувимиздан кеч қолиб кетдим. Отам нега кеч қолганимни сўраганида ҳақиқатни айтишдан қўрқиб, ёлғон гапирдим. Отам кеч қолишимнинг ҳақиқий сабабини билар эди. Энди мени қаттиқ койиб, оғир жазога тортса керак, деб кутдим. Лекин Аллоҳ раҳмат қилгур отам менга муҳаббат билан қараб, шундай деди: «Ўғлим, мен сендан узр сўрайман, чунки менга ёлғон гапиришингга мажбур қилдим. Қачондир сенга қилган муомалам туфайли менга очиғини айтишдан қўрқадиган қилиб қўйган бўлсам керак. Ҳечқиси йўқ, ўғлим. Бугун ўзимга жазо сифатида уйга пиёда қайтаман. Ўзимни сарҳисоб қилиб, хатоимни топаман. Сен хижолат бўлма, сен эмас, мен масъулман». Мен ўша куни масъулиятни кўтаришни амалий ўргандим.

Аллоҳим, ўтиб кетган оталаримизга Ўзинг раҳм айла, тирикларини эса ҳифзу ҳимоянгда асра!

**«Болаларимиз бамисоли жавҳар, лекин темирчи ўзимиз» китобидан
Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф таржимаси.**

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 июндаги 03-07/4775-рақамли
хулосаси асосида тайёрланди.*